

## ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Ғаппарова Севара Хикматулла кизи**

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси*

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида унинг нормаларини такомиллаштиришга, жиноят процессига жалб этиладиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини сўзсиз таъминлаш мақсадида илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни имплементация қилишга қаратилган сезиларли ўзгаришлар юз берди. Жиноий ҳуқуқ нормаларини унификациялаш, жиноий жавобгарлик ва жазолаш тизимларини янада либераллаштириш, такомиллаштириш мақсадида Бош прокуратура томонидан амалиётда мавжуд тизимли камчиликлар ва муаммоларни ҳисобга олган ҳолда Жиноят кодексининг янги лойихаси ишлаб чиқилди. Хусусан, ушбу лойихада одил судловга қарши жиноятларни такомиллаштириш масалаларига доир бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Бу киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар қуйидагилар, жумладан: Жиноят кодекси 230-модда “Айбсиз кишини жиноий жавобгарликка тортиш”нинг номини “Айбсизлиги аён бўлган шахсни айбланувчи тариқасида жалб этиш” ҳамда ушбу модда диспозицияси ва санкциясини “Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан айбсизлиги аён бўлган шахсни ижтимоий хавфли қилмишни содир этганликда айблаб қасддан айбланувчи тариқасида ишга жалб этиш – икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша ҳаракат: 1) оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этганликда айблаб содир этилса; 2) одам ўлишига ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, – беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.” деб лойихага киритилган. “Айбсизлиги аён бўлган шахсни бўлган шахсни айбланувчи тариқасида жалб этиш” деган тушунчани киритилишига сабаб, шу мазмундаги қарорнинг терговчи, прокурор томонидан чиқарилиши билан боғлиқдир. Навбатдаги ўзгартиришлар ҳам бу моддада маълум бўлган камчиликларни тўлдириш мақсадида тақлиф этилган.

Одил судловга қарши жиноятларнинг бир қанчасининг санкция қисмида қўшимча жазо тариқасида назарда тутилган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини чиқариб ташлаш ва фақат асосий жазо билан кифояланиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Масалан, 230-модда (Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш)), 2301-модда (Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини

сохталаштириш (қалбакилаштириш)), 236-модда (Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш) ва 2411-модда (Жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш) жиноятлари шулар жумласидан. Бундан ташқари Жиноят кодексининг 235-модда (Қийноққа солиш ва бошқа шавқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр – қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш)сини “Одил судловга қарши жиноятлар” бобидан чиқариш масаласи ҳам киритилган. Чунки бу жиноят обектив томондан шахсга қарши жиноятларга жуда ўхшаш ҳисобланади.

Бобнинг номидан келиб чиққан ҳолда Жиноят кодексининг 239-модда (Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш) сининг номини янада аниқлаштириб, “Судга қадар иш юритиш ва суд босқичида маълумотларни ошкор қилиш” деб киритиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ва прокуратура органлари судга қадар иш юритувчи органлар ҳисобланади. Айнан шу органларнинг мансабдор шахслари томонидан уларнинг рухсатсиз маълумотларни ошкор қилмаслик тўғрисида мажбурият юклатилган шахсларнинг бу маълумотларни ошкор қилиши ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади. Суд босқичида маълумотларни ошкор қилиш тушунчасининг киритилишига сабаб эса, суриштирув ва дастлабки тергов маълумотлари айблов хулосаси судда эълон қилиниши, яъни суд очик бўлган тақдирда, суд тергови бошлангунга қадар ошкор қилиниши мумкин эмас. Агар ёпиқ суд иш юритуви олиб борилган ҳолларда маскур маълумотлар ҳукм эълон қилингунга қадар ошкор қилиниши мумкин. Демак, бу ҳолатда маълумотларни ошкор қилиш қилиш суднинг рухсати билан қонуний ҳисобланади.

Яна бир норма Жиноят кодексининг 236-модда “Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш” сининг номини кенгайтириб “Терговга қадар текширув” тушунчасини киритган ҳолда, “Терговга қадар текширув, тергов ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш” деб ўзгартириш ушбу модданинг конкретлаштиришига хизмат қилади. Негаки терговга қадар текширув босқичи ҳам жиноят ишларида муҳим ўрин эгаллайди. Терговга қадар текширув босқичининг иш юритувига аралаштириш ҳам ишнинг тез очилишига салбий таъсир кўрсатиб, қонунга зид ва адолатсиз қарор чиқарилишига сабаб бўлади.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, одил судловга қарши жиноятларни такомиллаштиришга доир киритилган таклифлар ва ўзгартиришларнинг деярли ҳаммаси бу жиноятларнинг янада аниқ ва тушунарли ҳамда уларнинг мукамаллаштиришига хизмат қилмоқда.